

# 2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqq  
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati  
Markaziy Kengashining nashri

[www.turkiston.uz](http://www.turkiston.uz)

2014-yil 8-yanvar, chorshanba  
№ 2 (15744)

Hafta taassuroti

## ЯНГИ ЙИЛГА — ЯНГИ ЙЎЛГА

*Хар бир инсон бир олам, дейишади. Бу одамзот тафаккури, хаёлотининг кенглиги, бир тақдир эгасининг умри давомида кўрмиш-кечирмишлари миллион varaqli китобга ҳам сиғмаслиги ёки шунга ўхшаш омиллар сабаблигина айтилмаган бўлса керак. Зеро, мутафаккирлар дунёда ҳамма нарса бир-бирига боғлиқ, одам ва олам ўртасида биз кўзимиз билан кўролмайдиган ўхшашликлар, сирли ришталар борлигини айтадилар.*

Хали инсоният ақли етмаган, эҳтимол, ҳеч қачон тагига етмайдиган синоатлар бисёр. Озроқ билганимиз, эшитганимиз, ҳис этганимиз шуки, бу ҳаётда юз берадиган ҳеч бир ҳодиса ҳикматсиз эмас. Янги йилнинг илк ҳафтасида кўрганларимиз ва хабардор бўлганларимиз ҳам бизни яна бир бор ҳаётга теранроқ назар солишга, дунёда содир бўлаётган воқеликлардан ўзимиз учун яхши хулосалар чиқаришга ундайди.

Ўтган ҳафтанинг биз учун энг муҳим воқеаси, шубҳасиз, янги йилга қадам қўйганимиз бўлди. Янги йил юракларга янги умидлар жойлади, яхши ниятлар ижобатига бўлган ишончимизни мустаҳкамлади.

Янги йилни Юртбошимизнинг табриги билан кутиб олдик. Унда билдирилган хуш тилаклардан кўнгилларга яна бир ёруғлик инди. Дунёга келадиган ҳар бир инсон ҳаётнинг янги фуқароси бўлади. Унга исм қўядилар, унда ўша инсоннинг келажаги порлоқ бўлишига хайрли ишоралар мужассам бўлади. Мамлакатимизда эзгу анъанага айланган ҳар бир йилга ном бериш ва унга мос равишда давлат дастурини қабул қилиш, кенг қўламли ишларни амалга ошириб боришда ҳам халқимизнинг буюк қадриятларига ҳамоҳанглик бор. Хусусан, 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилингани халқимизнинг нафақат бугунги орзу-истаклари, менталитети, балки мингйиллик қадриятларига, ҳар бир ўзбек қонига сингиб кетган болажонлик одатига монанд бўлди.

Дарҳақиқат, фарзанд барча орзуларнинг меҳвари, истакларнинг гавҳаридир. Қаерда бўлмайллик, ким, қайси касб эгаси, ёшимиз, мавқеимиз, тутган ўрнимиздан қатъи назар, барчамизнинг мақсадимиз бир: нима қилмайлик, нимага эришмайлик, ҳамма нарса болам учун, унинг келажаги учун, деймиз. Юртимизда оналар ва болалар саломатлиги масаласига давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши сифатида қаралиб, бу борада умуммиллий дастурлар қабул қилингани, кенг қўламли ишлар амалга ошириб келинаётгани ҳам юртдошларимизнинг ана шу истаклари ижобатидир.

Янги йил нафақат дилларга яхши ниятларни солди, балки у аниқ мақсад ва режаларга йўл ҳамдир. Ўзбекистон ёшлари ўзларини хайрли манзилларга бошловчи бу йўлнинг аввалидалар. Янги йил — улуғ мақсадларга элтувчи янги йўл ҳаммамизга кутлуғ келгани рост бўлсин!

**Элмурод НИШОНОВ,**  
«Turkiston» муҳбири



Сардор Муллажонов фотоколлажи

Vatan himoyasi — muqaddas burch

## Ҳарбий хизмат: КЕЧА ВА БУГУН

*2013 йилнинг ёзида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясининг навбатдаги битирувчиларига диплом ва кўкрак нишонлари топишишга бағишланган маросимда иштирок этдим. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган ота-оналар ҳаяжон билан турибди. Ҳарбий муסיқа садолари янграйди.*

— Қаранг, қандай норғул йигитлар-а, — деди бойсунлик отахон формаси ўзига ярашиб турган Академия битирувчиларига ишора қилиб. — Бари келишган, келбатли. Кўз тегмасин!  
— Алпомишнинг келбати ҳам шунча бўлгандирда, — сўз ўйини қилади завқи келиб андижонлик Абдураззоқ ака.

### БЕКОР КЕТГАН ИККИ ЙИЛ

Ёши улуғроқ юртдошларимиз яхши билади. Собиқ тузум даврида ҳарбий хизмат икки йил бўлиб, 18 ёшга тўлган, тўрт мучаси соғ ҳар бир йигит учун мажбурий эди. Энди мактабни битирган, ҳали бирор касб-корнинг бошини тутиб улгурма-

ган, аксари ўз қишлоғидан нарини кўрмаган ўспиринлар узоқ-узоқ юртларга, халқона қилиб айтганда, дунёнинг нариги четига «Ватан ҳимояси»га жўнатиб юбориларди.

Ўзимдан қиёс. Мен ҳарбий хизматга Германия нега борганиму, кимни кимдан ва ҳар хил миллат вакиллари бўлганимизга қарамасдан, ерли халқ наздида битта — «совейшн» эдик. Қанча ҳаракат қилмайлик, бошқасини билмас, тан олмас эди. Давлатчилик тарихи минг йилларни сўрайдиган, дунё

илм-фани тараққиётига, жаҳон ҳарбий санъати ривожига беқиёс ҳисса қўшган улуғ алломаю, буюк саркардалар диёри Ўзбекистон, ўзбек халқи ҳақида қаёқдан ҳам билсин. Ахир, ўзимиз ҳам бу хусусда, Ўзбекистонда яшашимизни ҳисобга олганда, улардан пеш эмас эдик-да. Бир куни асли қайси юртдан эканимни билдириб қўйиш мақсадида сиёсий хари-тадан Термиз шаҳрини кўрсатдим:

— Мана шу ерданман, — дедим кўрсаткич бармоғим билан нуқиб.

— О-о-о, — деб юборди. Гарчи, тилини билмасам-да, нима демокчилигини тушундим.

(Давоми 6-саҳифада)

# МУҲИМ ТАЖРИБА

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича республикада амалга оширилган ҳуқуқий эксперимент натижалари сарҳисоб қилинди. Таъкидлаш керак, ушбу тажриба миллий қонунчилигимиз амалиётида илк мартаба қўлланилди. Эксперимент Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ўтказилиб, унда давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари иштирок этди. Улар 2013 йилнинг май-ноябрь ойларида қонун лойиҳаси нормалари асосида фаолият олиб боришди.*

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш тақлифи Президентимиз томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган эди. Мазкур ҳужжат, аввало, давлат органларининг жамоатчилик олдидagi очиқлигини, қолаверса, ҳар бир фуқаронинг шу органлар фаолиятига доир ахборотдан тўлиқ фойдаланишга оид қонуний ҳуқуқларини таъминлашга қаратилгани, қонун лойиҳасида бу жараёнларни амалга ошириш механизми аниқ белгилаб берилгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Юртимизда демократик ислохотлар давом этиб, фуқаролик жамияти ривожлантирилаётган бир пайтда юқоридagi масалага жиддий эътибор қаратилгани ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахслари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш учун қонуний асосларнинг яратилаётгани ниҳоятда долзарбдир. Чунки фуқаролик жамиятининг кучи ҳар бир фуқаронинг ижтимоий, сиёсий фаоллиги, мамлакатда рўй бераётган ўзгариш ҳамда янгиланишларга хайрихоҳлиги, ахборот олиш ва ундан фойдаланиш маданияти билан белгиланади.

Юртимизда ўтказилган дастлабки ҳуқуқий экспериментнинг яна бир эътиборли томони бор. Унга нафақат давлат органлари, балки фуқаролик жамияти институтлари ҳам бевосита жалб этилди. Масалан, юртимиздаги йирик жамоат ташкилотларидан бири — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Бухоро ва Самарқанд вилоятлари кенгашлари ҳам ҳуқуқий экспериментда иштирок этишди. Бир томондан, улар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот соҳасидаги сиёсатини турли усуллар (айтайлик, давлат органларининг очиқ ҳайъат йиғилишларида бевосита қатнашиш) орқали кузатиб борган бўлсалар, иккинчи томондан, ўзлари ҳам экспериментда қатнашувчи давлат органлари қаторида ўз фаолиятини қонун лойиҳаси нормаларига мослаштириб боришди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати юқоридаги вазифаларга икки хил: тушунтириш

ва тарғибот нуқтаи назаридан ёндашди. Яъни ҳуқуқий эксперимент давомида Ҳаракат томонидан асосий урғу синовдан ўтказилаётган қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ёшларга тушунтириш, тарғиб қилиш ҳамда қонун лойиҳаси юзасидан уларнинг тақлифларини олишга қаратилди. Эътиборлиси, бу ишлар фақат Бухоро ва Самарқанд вилоятларида эмас, балки республикамизнинг барча ҳудудларида, туман ва шаҳарда бир вақтнинг ўзида бошланиб, тизимли равишда давом эттирилди. Биргина мисол. Ўтган йили «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши томонидан амалга оширилган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» мавзусидаги тарғибот лойиҳаси доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида «Ҳоким ва ёшлар» учрашувлари ташкил этилди. Атиги бир ой мобайнида ушбу тадбирларда 35 мингга яқин ёш иштирок этди. Лойиҳа маҳаллий ҳокимият раҳбарларини жамиятнинг энг фаол қатлами — ёшлар билан юзма-юз учраштириш, ёшларга эса ўз савол ва тақлифларини бевосита ҳокимларга бериш ва керакли ахборотни олиш учун қулай имконият яратди. Учрашувлар чоғида ёшларга мамлакатимизда синовдан ўтказилаётган янги қонун лойиҳаси тўғрисида ҳам батафсил маълумот берилди.

— «Ҳоким ва ёшлар» учрашувига туман ва шаҳар ҳокимлари, «Камолот» ЁИХ маҳаллий кенгашлари раислари, ёшлар



масалалари билан шуғулланувчи ташкилотлар ва идоралар, молия ташкилотлари раҳбарларини ҳам тақлиф этгандик, — дейди Ҳаракатнинг Бухоро вилояти кенгаши раиси Жамол Носиров. — Тадбир са-

вол-жавоблардангина иборат бўлмай, бир қатор иқтидорли ёшлар мутасадди ташкилотлар вакилларига ўз инновацион лойиҳаларини ҳам тақдим этишди. Бундай мулоқотларни мен ахборот олиш ва айирбошлашнинг анча самараларини кўришга қизикдим. Учрашув пайтида ёшлар «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси билан ҳам қизикдилар. Қонун лойиҳасининг синовида доир ўтказилган ҳуқуқий экспериментда Бухоро вилоятдан жами 89 та субъект (ҳокимликлар, бошқармалар, турли идора ва ташкилотлар) қатнашди. 2012 йилдан буён интернет тармоғида кенгашимизнинг веб-сайти — [bvkamolot.uz](http://bvkamolot.uz) ишлаб турибди. Ҳуқуқий эксперимент доирасида фуқаролардан мурожаатларни нафақат ёзма ёки оғзаки шаклда, балки электрон тарзда қабул қилиш амалиёти жорий этдик. Кенгашда ахборот хизмати ҳам ташкил этилди. Шунингдек, эксперимент жараёнида веб-сайт орқали қонун лойиҳаси юзасидан кўплаб тақлифлар олдик. Бугунги кунда сайтнинг мунтазам ва тезкор янгиланиб борилаётгани ёшлар билан ахборот алмашинувида ижобий натижа бермоқда. Жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш, фаолиятимизга доир ахборотни мунтазам етказиб бериш мақсадида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни кучайтиришга ҳаракат қилишимиз. Хусусан, вилоят телерадиокомпанияси кўмағида ўн бешдан ортиқ кўрсатув тайёрланиб, эфирга узатилди. Бухоро вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда журналистлар учун матбуот анжумани, брифинг ва семинар-тренинглари ташкил этдик.

— Ҳуқуқий эксперимент ва ундан кутилаётган натижаларни аҳолига тушунтириш бўйича ҳам Ҳаракат биринчи рақабда қаторида ташаббус кўрсатганини алоҳида айтиб ўтмоқчиман, — давом этади суҳбатдошимиз. — «Камолот» фаоллари «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси синови Бухорода» ёзуви туширилган махсус кийимларда аҳоли гавжум жойларда тарғибот олиб боришди, фуқароларга ҳуқуқий экспериментда субъект сифатида қатнашаётган ташкилотларнинг веб-сайтлари ҳамда телефон рақамлари ёзилган брошюраларни тарқатишди.

Ўтган йили «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати давлат ҳокимияти органларининг очиқлигини таъминлашга хизмат қилувчи яна бир муҳим ташаббусни илгари сурди. Конституция тарғиботи лойиҳаси доирасида ўқувчи ва талаба-ёшлар, Ҳаракат етакчилари ва фаоллари илк мартаба вилоят, шаҳар ва туман судлари фаолияти билан яқиндан танишиш, судьялар билан бевосита мулоқот қилиш имконига эга бўлдилар. Бу ишлар Ҳаракатнинг Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Рес-

публикаси Олий суди ва Олий ҳужалик суди ўртасида имзолаган қўшма қарорга биноан амалга оширилди.

— Суд ҳокимияти вакиллари билан учрашувлар тенгдошларимизда катта таассурот қолдирганини жойларда кўп бора кузатдик, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши бўлим мудири Одил Тожиев. — Лойиҳа давомида ўн минг нафардан зиёд ёшлар маҳаллий судлар фаолияти билан таништирилди. Улар, ҳатто фуқаролик тартибидagi суд жараёнларига ҳам гувоҳ бўлдилар. Республикаимизда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун ҳужжати тайёрланаётган бир пайтда ёшларга суд-ҳуқуқ органлари фаолияти ҳамда тизимда олиб борилаётган ислохотларни ўз кўзлари билан ичидан кўриш имконининг берилгани, шубҳасиз, уларнинг ҳам ҳуқуқий, ҳам сиёсий фаоллигини оширади. Зеро, шу йўл орқали ёшлар-



да қабул қилинаётган қонунларни чуқурроқ ўрганиш иштиёқи пайдо бўлади.

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини синовдан ўтказишга доир Самарқанд вилоятида амалга оширилган ҳуқуқий экспериментда ҳам ёшлар ташкилотининг иштироки алоҳида сезилди. «Камолот»чилар ишни синовдан ўтказилаётган қонун лойиҳасини ёшларга тушунтиришдан бошладилар. Шу мақсадда кенгаш қошида кўнгилли ёшлар (волонтерлар)дан иборат тарғиботчилар гуруҳи тузилди.

— Тарғиботчилар мутасадди ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари билан биргаликда таълим муассасаларида ўттиздан ортиқ давра суҳбатларини ташкил этишди, — дейди «Камолот» ЁИХ Самарқанд вилояти кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Умид Ўсаров. — Бундай тадбирлар давомида ёшлардан қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича тақлифлар олдик. Ҳозир барча тақлифлар жамланиб, ҳуқуқий эксперимент ўтказиш бўйича вилоят ишчи гуруҳига тақдим этилди.

— Ҳуқуқий эксперимент доирасида Ҳаракат вилоят кенгашининг веб-сайти — [www.samkamolot.uz](http://www.samkamolot.uz) ҳам ишга тушди, — таъкидлайди У.Ўсаров. — Аини вақтда сайт орқали интернет фойдаланувчиларига ташкилотга доир маълумотларни тезкор етказиш имконига эгамиз. Айтиш керак, бу Ҳаракат томонидан амалга

оширилаётган турли лойиҳаларга кўпроқ ёшларни жалб этишга ҳам ёрдам бермоқда. Ҳуқуқий эксперимент давомида кенгашимизга фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролардан келаётган сўровлар сони ҳам



анча ортди. Ўтган вақт давомида уларнинг ўттизтага яқини қаноатлантирилди. Албатта, жамият учун фойдали ахборотни оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш ва олиш қулайдир. Шу маънода, ҳуқуқий эксперимент ўтказиш жараёнида матбуот, телевидение ва радио орқали кўплаб чиқишлар ташкил этдик. Шунингдек, Ҳаракатнинг вилоят кенгаши фаолияти юзасидан бир неча мартаба матбуот анжуманлари ўтказилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳуқуқий эксперимент жараёнини ёритишда фаол қатнашган журналистларни рағбатлантиришни ҳам эътибордан четда қолдиргани йўқ. Шундай қилиб, Ҳаракат томонидан ўтказилган «Йилнинг энг фаол ёш журналисти — 2013» кўрик-танловида «Ёшлар» телерадиоканалидаги «Нуқтаи назар» кўрсатуви бошловчиси, «Боложон» телеканали муҳарририятининг бош муҳаррири ўринбосари Камола Одилова, Бухоро вилояти телерадиокомпанияси катта муҳаррири Лобар Қиличева, «Зарафшон» ва «Самарқандский вестник» газетаси муҳбири Анвар Мустафоқулов турли йўналишларда совриндор бўлишди.

Ҳуқуқий эксперимент натижаси самарали бўлди. Хусусан, аини кунларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати янги лойиҳани бошлаш тараддудида. Унинг доирасида Ҳаракатнинг ҳудудий кенгашлари раислари билан интервью форматида очиқ мулоқотлар ташкил қилиш режалаштирилган. Энди ёшлар ташкилотининг ҳудудлардаги раҳбарлари ёшларнинг саволларига матбуот орқали жавоб берадилар. Бу эса Ҳаракат ахборот сиёсатида очиқлик ва ошқоралик тамойилларига асосланишини яна бир қарра тасдиқлайди.

Эксперимент давомида олинган тақлифлар, фикр ва мулоҳазалар депутатлар томонидан ҳали кўп муҳокама қилинади. Аммо бир фикрни ишонч билан айтиш мумкин. Янги тажриба минглаб ёшларнинг ҳуқуқий билимларини бойитиш, юртимизда олиб борилаётган демократик ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, фуқаролик позициясини қатийлаштириш, бир сўз билан айтганда, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Ўз келажагини ёшларда, уларнинг билан ва салоҳиятида кўраётган давлат учун бундай натижа жуда муҳим.

**Наргиза УМАРОВА,**  
«Turkiston» муҳбири

■ «Yurt kelajagi» tanlovi g'oliblari ■

# ЕРДА КОИННОТ ЖИСМЛАРИ

Ёш дизайнер буни хаёлдан  
хаётга татбиқ этди



«Yurt kelajagi» республика кўрик-танлови юртимиздаги кўп-лаб ёш истеъдод эгаларини бизга танитди. Улардан бири М.Маматов — орзулари ўзи бунёд этадиган бинолардан-да баландроқ йигит. У мазкур танловнинг ландшафт дизайни йўналишида голиб бўлди.

Бўладиган бола бошидан маълум, дейишади-ку, М.Маматов беш-олти ёшидан бошлаб отаси Исло Маматовнинг хаттотлик ишларини берилиб кузатар, буни кўрган ота-онаси унинг ҳам мохир мусаввир ёки хаттот бўлишини ич-ичидан ҳис қилишарди. Ота-онани ҳис-туйғулари алдамади, йиллар ўтгани сайин ўғилларидоги иқтидор ўнча гул бўлиб очилган янглиғ юз очиб борди.

— Дада, — деди бир куни у, — «Баркамол авлод» ижодиёт марказида рас-сомлик тўғараги бор экан, қатнасам майлими?

Ислом ака бу ҳақда эшитгандек эди, лекин у қандай марказ, қанақа тўғараклари бор, мураббийларининг малакаси қандай, билмасди. Гап шундаки, у ўғлининг иқтидори яхши устозлар кўлида сайқал топишини истар эди.

Отасининг — у қандай марказ экан, ўғлим, деган саволини кутиб тургандек ёш бола берилиб таърифлай кетди:

— Шайхонтохур туманидаги марказчи, унда расм ва миниатюра солишни ўргатишади. Кўп болалар қатнаётган экан, бориб кўрдим. Маҳалламиздан

ҳам кўпчилик болалар бор...

Ислом ака ўғлининг кўзида чўғ кўрди. Бу кўзлар: «Дада, мен, албатта, мақсадимга эришаман, зўр рассом бўламан», деб турарди.

5-синфдан 9-синфгача Шайхонтохур туманидаги «Баркамол авлод» болалар ижодиёт марказида рассомлик ва миниатюра тўғарагида таълим олган М.Маматов вақти келиб Малайзияда дизайнерлик курсида бир йил таълим олиб қайтди. Тошкент архитектура-қурилиш институтининг архитектура факультетига ўқишга кирганида курсдошлари ундан бунгача қаерда ўқиганини сўрашди. Негаки, унинг кўли кўп нарсага келишар, ўқитувчилар берган топшириқларни ҳаммадан аввал бажариб бўларди.

— Биз оилавий архитектор, дизайнерлармиз, — жилмаяди у. — Ушанда курсдошларимга ҳам худди шундай жавоб берганман. Отам ҳам, тоғаларим ҳам шу касб эгалари. Биринчи устозим — отам. У кишининг кўрсатмалари билан хаттотлик санъатини ўргандим. Институтдаги устозларимдан шаҳарсозлик ва ландшафт дизайнерлигини пухта эгаллашга интиляпман. Олган би-

лимларимни синаб кўриш, қолаверса, мендан ҳам билимли тенгдошларимнинг тажрибаларини ўрганиш учун турли танловларда иштирок этиб келаяпман. Масалан, 2011 йили Амир Темур таваллудининг 675 йиллигига бағишланган «Соҳибқирон бунёдкорлиги» мавзуидаги ижодий танловда, «Мир Алишер Навоий ғазаллари» мавзуида ташкил этилган халқаро хаттотлар беллашувида, 2012 йили Алишер Навоий таваллудининг 571 йиллиги ва Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 529 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Аждодлар мероси — авлодлар фаҳри» номли кўргазмада, «Навқирон Ўзбекистон» кўргазмасида, 2013 йили «Тасвирий санъат» кўргазмасида қатнашиб, диплом ва сертификатларга эга бўлганман.

Интилганга толе ёр, дейишади. Тенгдошимизнинг ҳам интилишлари бесамар кетмади. 2013 йилнинг сўнгги оyi «Yurt kelajagi» республика иқтидорли ёшлар кўрик-танловининг финал босқичида шаҳарсозлик ва ландшафт дизайни йўналиши бўйича голиб бўлди. Танловда у пойтахтимиздаги «Абдулла

Қодирий номидаги истироҳат боғининг ландшафт дизайн ечими» мавзуидаги лойиҳаси билан иштирок этди. Лойиҳада у боғ худудида коинот жисмларини тасвирлаш, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган инсонларнинг дам олишини таъминлаш ҳамда истироҳат боғида қўлланадиган электр энергияси ўрнига қуёш энергиясидан фойдаланишни илгари сурди. Ушбу боғни тўрт томондан автомобиль йўли ўраб туради. Истироҳат боғи бироз чуқурликда жойлашгани боис, автомобиллардан чиқаётган тун-заҳарлар ҳам мана шу чуқурликка келиб чўқади. Тенгдошимизнинг биринчи мақсади боғнинг атрофини баланд яшил дарахтлар билан ўрашдан иборат.

— Боғнинг марказида қуёш шаклидаги планетария қурилади, — дейди ёш мутахассис. — Унинг ичига барча коинот жисмларининг ҳаракатдаги макетлари жойлаштирилади. Сайёралар айланаб туради. Бу ерга томошага келганлар коинот жисмларини ўрганиш билан бирга завқ олишади. Ой шаклидаги майдонда эса болалар ўйин майдончаси ташкил этилади. Кутубхона ва ўқув зали бўлади. Шунингдек, велосипедда сайр қилиш майдончалари ҳам барпо этиш режалаштирилган. Йўлакчалар атрофи ва боғ худудидаги чироклар махсус бўёқ билан бўялади. У кундузи кўш энергиясидан заряд олиб, кечаси ёруғлик таратади. Истироҳат боғининг тўртта автоулов тўхташ жойига ҳам қуёш энергиясидан заряд олувчи ускуналар ўрнатилади. Лойиҳа натижасида боғнинг экологияси 70-80 фоиз яхшиланади.

— Танловда кўп нарса ўргандим, — давом этади ёш архитектор-дизайнер. — Мамлакатимизда шаҳарсозлик ва ландшафт дизайни соҳасига катта эътибор қаратиляпти. Мен ҳам ўз ҳамда пухта билим эгаллаб, юртимиз гўзаллиги, унинг кўркем бўлишига муносиб ҳисса қўшмоқчиман.

Сухбатимиз давомида ёш дизайнер ўзининг гоёси кўп экани, лекин уларнинг барини маълум қила олмаслигини айтди.

— Лекин шуниси аниқки, уларнинг барчаси юртимиз чиройига чирой қўшадиган лойиҳалар, — дея жилмайди у.

Биз ундан хафа бўлмадик.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
**«Turkiston» мухбири.**

Носир Ҳайдаров олган сурат.

■ «Kamolot» ko'z gusi ■

## «20+» ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ АКЦИЯСИ

Навоий шаҳридаги тамаки маҳсулотлари билан савдо қилувчи шохобчаларда «Виждонли сотувчи» акцияси ўтказилди.

Бу гал акция ёнига «20+» тарғибот-ташвиқот тадбири» номининг қўшилгани бежиз эмас. Боиси, тадбирларда тамаки маҳсулотларини нафақат вояга етмаганларга, балки йигирма ёшгача бўлган ёшларга ҳам сотиш ҳолатларининг олдини олиш кераклиги тарғиботнинг асосий мавзусига айланди.

Ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш

ишларини кучайтиришни мақсад қилган мазкур акцияда «Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилояти кенгаши ҳузуриндаги «Ёшлар ўртасида ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик ва турли йўллар билан юкучи касалликларнинг олдини олиш» лойиҳаси тренерлари ҳамда кўнгилли тарғиботчилар иштирок этди. Тадбир жараёнида Навоий шаҳри худудидаги тамаки маҳсулотлари билан савдо қилувчи шохобча сотувчиларига Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқати-

лиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонунининг мазмуни тушунтирилди.

Шунингдек, аҳоли ўртасида вояга етмаган ёшларга тамаки сотиш мумкин эмаслиги ҳамда ота-оналар фарзандларини доимий назоратга олиши кераклиги ҳақида тарғибот ишлари олиб борилди. Синов саволлари ҳам ташкил этилди. Акция давомида фаол иштирок этганларга эсдалик совгалар улашилди.

**Дилдора КАТТАЕВА,**  
**Навоий вилояти**

## ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА КУРАШАМИЗ!

«Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти кенгаши «ОИТС, гиёҳвандлик, чекишга қарши курашиш» лойиҳаси доирасида ўқув-семинар ташкил этди.

Семинар, аввало, эртанги кун яратувчилари бўлган ёш авлод онгида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, уларни ОИТС, гиёҳвандлик, кашандалик, ичкиликбозлик сингари иллатлар таъсиридан асраш ва бу борада етакчи ёшларни керакли билим билан қуроллантириш мақсадида амалга оширилди.

Мазкур семинарда Фарғона, Марғилон, Қўқон шаҳарлари ҳамда Риштон, Олтиариқ, Кувасой, Қўштепа, Бешарик, Учкўприк, Фарғона туманла-

ридаги академик лицей ва касбхона коллежларидаги Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари етакчилари иштирок этди. Уларга малакали мутахассис, тренер ва психологлар мазкур иллатларнинг аянчли оқибатлари, уларга қарши курашишнинг самарали усул ва йўллари ҳақида маълумотлар беришди.

Семинар мобайнида мавзу ва муаммо юзасидан иштирокчилар фикр-мулоҳазалари ҳамда иллатларга қарши самарали курашиш бўйича таклифларини билдиришди.

**Азизбек СУЯРҚУЛОВ,**  
**«Kamolot» ЁИХ Фарғона вилояти кенгаши бўлим мудир**



2014-yil — Sog'lom bola yili

# ДОВЮРАК БОТАНИК

**Мақтабни тамомлагач, отаси унга ўқишга кириш учун фақат битта имконият берганди. Шифокор бўлишни орзу қилган Санжар Нукус давлат педагогика институтининг биология факультетини танлади. Хато қилмаган экан. Орадан ўн йил ўтиб, қаҳрамонимиз замонавий фаннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади. 26 ёшида биология бўйича мамлакатимиздаги энг ёш фан номзоди бўлди. Ўтган йили эса илмий фаолиятда эришган ютуқлари учун «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.**



Санжар Шеримбетов айна вақтда Ўзбекистон Фанлар академияси Биоорганик кимё институтининг катта илмий ходими. Икки йилдан буён Юқори технологиялар ўқув-экспериментал марказида ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Ёш тадқиқотчи илмий раҳбари — Ўзбекистон фан арбоби, профессор Ўктам Пратов билан бирга юртимизда биринчи бўлиб Жануби-Фарбий Оролқум худудининг флораси ва ўсимликлар қопламини ўрганишга киришди. Илмий изланишларини бошлаганида у атиги ўн тўққиз ёшда эди. Атрофида «бу қадар катта ишни эплай олармикан», деб иккиланганлар ҳам бўлди. Зеро, мавзу чиндан ҳам мураккаб. Ахир, ўша вақтда у бўйича бирортаям мустақил та-

дқиқот олиб борилмаган, илмий материал (факт-далил ва хулосалар) деярли мавжуд эмасди. Тўғри-да, бир пайтлар маҳобатли денгиз бўлган Оролнинг ўрнида юзага келган ва экологик ландшафти ҳали тўлиқ шаклланимаган янги сахро — Оролқумнинг биологик хилма-хиллигини ўрганиш, неча минг километр масофани эгаллаган бу худудда тарқалган ва тарқалаётган ўсимликларнинг турларини таснифлаш, истиқболи юзасидан илмий башоратлар бериш — буларнинг бари кишидан озмунча вақт, куч ва салоҳият талаб қилади, дейсизми? Шунга қарамай, Санжар Шеримбетов табиатига хос қатъият ва бир-сўзлилик билан танлаган йўлидан қайтмади.

Тадқиқот давомида у кўп мартаба Оролқумда илмий экспедицияда бўлди. Саҳронинг ҳар бир қарич ерини синчковлик билан ўрганди. Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманидаги Манғит шаҳрида туғилиб-ўсган Санжар учун бу жойлар бегона эмас. Минглаб қорақалпоқ ёшлари сингари қаҳрамонимиз ҳам Орол фожиасини кўриб улғайди. Шу боис денгизнинг қуриган сатҳида ҳаёт қай тарзда давом этиши мумкинлигини аниқлаш унда алоҳида қизиқиш уйғотгани табиий.

— Тадқиқотим ўн йил давом этди, — дейди ёш олим. — Натижада биз илк бор Жануби-Фарбий Оролқум худудидида икки юз турдаги ўсимликлар ўсишини аниқладик. Улардан тўрттаси ноёб ва йўқолиб бораётган ўсимлик сифатида Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг «Қизил китоб»ларига киритилган. Ҳозирги Оролқумнинг табиати жуда қизиқ. Унда ўсимликлар қоплами бир текисда жойлашмаган. Яъни муайян қисмида бир турдаги ўсимлик ўсса, ёнгинасидаги худудда умуман бошқа ўсимликни учратасиз, яна озгина юргандан кейин фақат кумликларни кўрасиз. Бундай манзара сахро ландшафти охиригача шаклланимагандан далолат беради.

— Оролқум янги сахро, — давом этади суҳбатдошимиз. — Илгари бу ерда сув ва табиийки, ўзига хос ўсимликлар дунёси бўлган. Ҳозир эса денгиз қуриди. Энди унинг сувдан бўшаб қолган сатҳида бошқача флора шаклланыпти. Кузатувларимиз натижасида Оролқумда саксовул, юлғун, қандим, шувок, шўрак, балиққўз каби шўрхок ва кумларни мустах-

камловчи эллиқдан зиёд истиқболли ўсимликлар турлари тарқалгани маълум бўлди. Улар бу худудга асосан Устюрт ва Қизилқумдан кўчиб келмоқда. Ўсимликларнинг миграцияси ҳалиям давом этмоқда. Олдимизда турган асосий вазифа ана шу жараёнда Оролқумнинг ўсимликлар қоплами қай тарзда ўзгариб бориши, бундай ўзгарувчанлик қайси қонуниятларга бўйсунуши ҳамда қандай омиллар таъсирида юз бераётганини аниқлашдан иборат. Тахминларимизга кўра, Оролқум ландшафти тугал шаклланиши учун эллиқ йилдан зиёд вақт керак. Ҳозирча у қандай бўлишини аниқ айтиш қийин. Чунки худудда тарқалган ўсимликлар барқарор эмас. Айрим турлар янги экотизим — тупроқ, об-ҳавога мослаша оляпти, бошқалари эса йўқ. Иккинчи муҳим масала Оролқумда янги ҳаёт бошлаган ўсимликларнинг маҳаллий аҳоли учун аҳамиятини кўрсатиб беришдан иборат. Масалан, юқорида мен номларини санаб ўтган ўсимликлардан чорвачилик, халқ табобати ҳамда хўжалик мақсадларида бемалол фойдаланиш мумкин. Бироқ айна чоғда аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳам муҳим. Зеро, Оролқумнинг биологик хилма-хиллигини ташкил этувчи қайси ўсимликлар ноёб турларга мансублиги ва уларни сақлаб қолиш зарурлигини маҳаллий халқ яхши билиши керак.

Тиниб-тинчимас тенгдошимизнинг фундаментал тадқиқоти хорижлик мутахассисларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Санжар 42 та илмий мақола ва тезис муаллифи. Илмий ишларининг ярмидан кўпи Ҳамдўстлик давлатларидаги журналлар

ва конференция тўпламларида чоп этилган. Шу билан бир қаторда у М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети олимлари ҳамда қозоғистонлик ҳамкасблари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаяпти.

Санжар Шеримбетов ўқишда ҳам, илмий ва педагогик фаолиятда ҳам доимо фаоллиги билан ажралиб туради. Бакалавриятни Улуғбек номидаги давлат стипендияси билан тамомлади. Талабалик йилларида, шунингдек, «Ўзбекистон ёш олимларининг энг яхши илмий ишлари» республика танловида ғолиб бўлди. Самарқанд, Ташкент, Киев шаҳарларида ўтказилган халқаро ва республика илмий конференцияларида дипломлар билан тақдирланган. Айна вақтда у Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамда Биоорганик кимё институтининг «Ёш олимлар» кенгашлари аъзоси ҳамдир. Доимо янгиликка интилувчанлиги боис, биологиянинг флористика, геоботаника каби тармоқларини ўрганиб, малакали мутахассис бўлиб етишди.

Санжар илмий соҳада қўлга киритилган ютуқ ва натижалар билан кифояланмай, янада юқори марраларни кўзламоқда. Эндиликда у докторлик диссертацияси доирасида Оролқумда тарқалган айрим ўсимликларнинг молекуляр-биологик хусусиятларини таҳлил этапти. Тадқиқотчининг айтишича, келгусида бу маълумотлардан фармакология (айтайлик, янги дори препаратларини яратиш мақсадида), қишлоқ хўжалиги ва бошқа бир қатор соҳаларда фойдаланиш мумкин.

**Наргиза УМАРОВА,**  
«Turkiston» мухбири

## ОИЛАЛАР ТИНЧЛИГИ ЙЎЛИДА

**Юртимизда маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли ва профилактика инспектори фаолиятини биридан айро тасаввур этиш мушкул. Чунки улар хоҳ маҳалладаги носоглом муҳитли оила муаммоси бўлсин, хоҳ жиноятчилик, диний-экстремизм, вояга етмаганлар орасидаги ҳуқуқбузарлик масаласи бўлсин — барча ишларни ҳамжиҳатликда ҳал этишади.**

Мамлакатимизда оилалардаги то-тувлиқ ва соғлом муҳитни шакллантириш каби ишларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, профилактика инспекторлари ва яраштириш комиссияларининг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳамкорлик самараси ўлароқ, ўтган йил давомида кўплаб оилалардаги носоглом муҳит бартараф этилиб, хонадонлар яхлитлиги сақлаб қолинди. Бунда, албатта, яраштириш комиссияси ва маҳаллалардаги кўпни кўрган отахону онахонлар, узоқ йиллик ҳаётий

тажрибага эга кексаларнинг маслаҳат ва йўл-йўриқлари қўл келди.

Маҳаллалардаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар профилактика инспектори билан бирга, худуддаги рўйхатда турган нотинч оилалар ва назоратсиз болалар ўртасида мунтазам равишда тушунтириш ишларини олиб борадилар. Қолаверса, таълим муассасаларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, оилани муқаддас билиш ва бошқа мавзуларда тизимли учрашувлар ўтказилади.

Ёшларни турли ёт гоёлар ва

оқимлар таъсиридан асраб-авайлаш борасида бир қанча самарали ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, «Ўқувчи», «Давомат» ва «Усмир» каби тадбирлар мунтазам ўтказилиб, вояга етмаганларнинг жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик йўлига кириб қолишининг олди олинмоқда. Бундан ташқари, йил давомида «Ёшлар гиёҳвандликка қарши», «Келажакимиз — ёшлар қўлида» ва «Ёшларимиз турли ёт гоёлар таъсирига тушиб қолмасин!» мавзуларида турли учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Шунингдек, ёшларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш, милиция таянч пунктлари инфратузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида МТПлар атрофида спорт майдончалари, болалар ўйингоҳлари ҳамда махсус спорт заллари барпо этилиб, ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишларига мустаҳкам замин яратилмоқда.

Бу каби хайрли ишларни амалга

оширишда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик профилактикаси ходимларига ҳокимликлар, прокуратура, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда халқ таълими мутасаддилари яқиндан кўмак беришмоқда. Ҳар ҳафта маънавият ва маърифат соатлари ташкил этилиб, ҳокимлик ва бошқа идоралар вакиллари иштирокида ёшлар орасидаги жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, одоб-ахлоқ ҳамда маънавият масалалари бўйича махсус дарслар ўтилади. Бундан ташқари, ҳисобга олинган вояга етмаганларга алоҳида устоз-мураббий бириктирилиб, улар билан мунтазам равишда тарбиявий-амалий ишлар олиб борилади. Дарс қолдираётган айрим ўқувчилар ҳам ўз вақтида аниқланиб, бундай ҳолатларнинг сабаблари ўрганилади ва тегишли чоралар кўрилади.

**Улуғбек ТУЙМАОБОВ,**  
ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси матбуот котиби, подполковник

■ *Huquq va yoshlar* ■

# ОРЗУ ҚАЧОН МАҚСАДГА АЙЛАНАДИ?

**Эски йил билан хайрлашиб, янги йилни бошладик. Эътибор қилган-мисиз, ҳар бир киши ўтган йили амалга оширолмаган ишлари янги йилда рўёбга чиқишини истайди. Чин дилдан ният қилади. Баъзи тенгдошларимиз назарида болаликдаги орзулари янги йилда ушаладигандек туюлади. Бу ҳам янги йилнинг ўзига хос, бошқа байрамларга ўхшамаган руҳи мавжудлигидан, кишилар кўнглига янги ва яхши ниятлар жо этишидан далолатдир.**

**Орзу — ҳар бир инсон ҳаётини безаб, файз бағишлайдиган, кишиларнинг яшашига иштиёқини ошириб, интилиш ва саъй-ҳаракатларига куч берадиган улуг туйғу. Одамлар болаликда кўнглига жо этган, ўзи юксак деб билган орзунини рўёбга чиқариш учун ўқийди, изланади, меҳнат қилади. Баъзилар ҳаракатчанлиги билан орзунини мақсадга айлантириб, ниятига етади. Баъзилар қисман, қолганлар ҳаёлидаги орзу эса болаликдаги каби яхлит орзулигича қолади. Шундай пайтда кишида савол пайдо бўлади: орзу қачон мақсадга айланади?**

## МУВАФФАҚИЯТ ТАСОДИФ ЭМАС

Расул деган синфдошим бўларди. У билан бир кўчада турардик. Ўзи ёлғиз ўғил бўлса-да, дадил эмасди. Гарчи ҳаракатчан, баъзи масалаларда журъатли бўлса-да, еттинчи синфгача уни айрим синфдошларимиз бироз менсимагандек туюларди менга. Чунки айтганимдай, Расул унча бақувват бола эмас эди.

Еттинчи синфда шу синфдошим бокс тўғрагига қатнай бошлади. Баъзан машғулотлардан у ер-бу ери кўкариб, ҳориб-чарчаб қайтаётганини кўрсам, бу бола бир ҳафтадан узоқ шуғуллана олмаса керак, деб ўйлардим. Бироқ у машғулотларни қанда қилмас, аксинча, яна ҳам иштиёқ билан шуғулланишда давом этарди. Синфдошимнинг бу тиришқоқлигини кўриб, уни негадир қоядан сирпанса-да, ортга қайтгиси келмаган чумолига ўхшатардим.

Вақт ўтган сайин илгари мен таниган Расул ўлишиб, мушаклари бўртиб борарди. Машғулотни бошлаган кезлари азбаройи толиққанидан базур саломлашадиган синфдошимни энди спорт сумкасини елкасига илганча, хушчақчақ, кайфияти аъло бўлиб тўғарақдан қайтаётган ҳолда кўрардим.

Унинг синфда ўқиётганимизда «Расул бокс бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлибди», деган гап тарқалди. Шунда баъзи синфдошларимиз: «Йўғ-э, ўзимизнинг Расул-а?» деб ажабланди ҳам. Бироқ эртаси куни мактабимиз директори кенг фойеда Расулни муваффақияти билан табриклагач, бу хабар чин эканига ишондик ва шундан кейин барча синфдошлар унга ҳурмат билан қарайдиган бўлди.

Орадан бир йил ўтиб, Расул бокс бўйича Осиё чемпиони кумуш медални қўлга киритди. Кейинчалик унинг галабалари кўпайиб кетгандан бунга ўрганиб ҳам қолдик. Мактабни тугатгач, синфдошимиз Расул Жўраев Термиз давлат университетининг жисмоний маданият факультетига ўқишга имтиёзли қабул қилинди. Спорт устаси бўлди. Терма жамоамиз сафида

қатор халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Аини пайтда ўзи шуғулланган тўғарақда мурабийлик қиляпти.

Унинг бу ютуқларига ҳавас қилиб нафақат мактаб, маҳалла ўқувчи-ёшлари, балки Расул ҳақида эшитган кўплаб болалар бокс билан шуғулланишни бошлагани эсимда. У ҳақда гап кетса, ҳамон ўқувчилар: «Расул Жўраев бизнинг мактабда ўқиган», деса, маҳалламизнинг ёшу қариси: «Расул — бизнинг чемпион», деб фахрланади.

Термизга борганимда бирпас бўлса-да, у билан суҳбатлашиб, ўқувчилигимизни эслаймиз. Гап орасида ҳазил аралаш: «Расул, қандай қилиб бунча галабаларга эришдинг? Сен қатори боксга борганларнинг баъзилари машғулотни ташлаб кетди. Ё сенда чемпионлик формуласи борми?» деб сўрайман. У кулади-да сўнг жиддийлашиб дейди:

— Ҳозир кўпчилик ота-оналар фарзандини етаклаб келиб: «Ўғлим чемпион бўлмоқчи. Яхши шуғуллантинг, кўпроқ эътибор беринг. Сиздай чемпион бўлсин. Фарзандимиз учун қандай шароит керак бўлса, яратиб берамиз», дейишади. Шунда мен уларга: «Бу ерда болалар кўп, машғулот ҳаммага бир хил ўтилади. Спорт анжомларимиздан ҳамма бир хил фойдаланиши учун имконият етарли. Шундай экан, чемпион бўлиш ўғлингизнинг ўз қўлида», дейман.

Расулнинг сўзларини тингларканман, ҳақиқатан ҳам, кўп нарса, жумладан, орзунини мақсадга айлантириш ҳам инсоннинг ўз қўлида эканига икром бўламан. Хўш, Расул спорт билан шуғулланмаганида қандай инсон бўларди, деб ўйлайман, нари борса, яхши оила бошлиғи бўлиши мумкин эди. Ҳозир эса тенгдошларимиз унга ҳавас билан қарайди. Демак, қатъият, ўзига ишонч туйғулари инсоннинг орзусини мақсадга айлантирувчи муҳим омил экан.

## ИРОДА МЎЖИЗАСИ

Инсон заковати кўп ишни амалга оширишга етади. Йўқса, бугунги замонавий ахборот асрида яшаётган бўлмасдик. Биз-

гача бўлган ихтироларни суриштирсак, уларнинг аксарияти кўплаб уринишлар, тинимсиз саъй-ҳаракатлар маҳсули эканига гувоҳ бўламиз. Биргина электр токи билан ёнадиган лампочкани ихтиро қилиш учун Томас Эдисоннинг кўплаб уриниши зое кетгани, шунга қарамай, олим ўз мақсадига эришиш учун қанча вақтини лабораторияда ўтказганини бир хаёлдан ўтказиб кўринг-а. Агар унинг ўрнида бошқа киши бўлганида осонгина тақдирга тан берган ва инсониятнинг электр ёруғлигидан баҳраманд бўлиши номаълум муддатга чўзиларди, эҳтимол.

Спорт ва бошқа соҳаларда бўлгани каби илмда ҳам сабот ва интизом, изланиш билан муддаога эришилади. Тенгдошларимиз — математика бўйича қатор халқаро олимпиадалар ғолиби Абдор Пирнапасов ва кимё фанидан 47-халқаро Менделеев олимпиадаси олтин медали соҳиби Билолиддин Шаробиддинов кўринишидан бошқа ёшлардан унча фарқ қилмайди. Бири Бухорода, иккинчиси Андижонда ўсиб-улғайган. Юртимиздаги барча ёшлар сингари Абдор ҳам, Билолиддин ҳам замонавий таълим стандартларига мос мактабда таҳсил олган. Ҳамма ўқувчилар каби ўз орзуси бўлган. Бошқа тенгдошларидан фарқли ўларок, уларда орзунини мақсадга айлантириш истаги кучли эди. Ва бу интилиш натижада тенгдошларимизни янги марраларга етаклаб, мақсадларига эришишда қанот бўляпти.

Қишлоғимизда бир неча кишининг исми Абдураим. Лекин Абдураим дўхтир дейишса, нафақат бизнинг, балки биздан нари тўрт-беш қишлоқ одамлари ҳам яхши танийди. Бу инсонни яхши биламан. Бир неча бор гурунглашганман.

Абдураим ака мактабда ўқиган пайтларидаёқ «Мен шифокор бўламан», деб айтган. Тоғаларимдан бири билан тенг-

**Электр токи билан ёнадиган лампочкани ихтиро қилиш учун Томас Эдисоннинг кўплаб уриниши зое кетгани, шунга қарамай, олим ўз мақсадига эришиш учун қанча вақтини лабораторияда ўтказганини бир хаёлдан ўтказиб кўринг-а. Агар унинг ўрнида бошқа киши бўлганида осонгина тақдирга тан берган ва инсониятнинг электр ёруғлигидан баҳраманд бўлиши номаълум муддатга чўзиларди, эҳтимол.**

қур бўлган, бирга дала-даштга чиқиб ўтин йиғиб, ўт ўришаркан. Абдураим ака ҳаммадан олдин ишни тугатаркан-да, эшак хуржунининг бир кўзига солинган кимёми, биологиями оид китобни олиб ўқишга киришаркан. Ора-сира миясига дам бериш учун ҳамроҳларига ёрдам ҳам бераркан. Кун ботиб, ҳамма кетишга шайланганда Абдураим ака китобни яна хуржунга солиб уйга жўнаркан.

Ҳозир Абдураим Жўракулов Сурхондарё вилоятидаги шифохоналардан бирида жарроҳ бўлиб меҳнат қиляпти. Унинг тиришқоқлиги ҳа-

эришгани кўплаб соҳалар қатори спортимиз ривожига ҳам кенг йўл очди. Бу ҳаммамиз кўриб-билиб турган ҳақиқат. Буни ҳаммадан кўпроқ шу соҳанинг ичида умри кечаётган биз, мураббийлар яхшироқ биламиз. Бугун Ўзбекистоннинг исталган жойига боринг, албатта, ўша ерда спорт тўғрагини кўрасиз. Тўғарақ бўлганда ҳам барча спорт инвентарлари билан таъминланган. Ҳар куни спортнинг турли йўналишлари бўйича янги-янги чемпионлар номини эшитяпмиз. Илгари юртимиздан кўпроқ кураш усталари чиққан бўлса, ҳозир қанозда эшак эшиш бўладими, шахматми, оғир атлетиками — кўплаб спорт тури бўйича йигит-қизларимиз дунёни лол қиляпти. Бу ҳаммаси, шубҳасиз, мустақилликнинг меваси. Буни ёшларимиз яхши билиши, жаҳон майдонларида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётганидан, Ўзбекистон байроғи юксакларда ҳилпираётганидан фахрланиши керак.

Конституциямизнинг 21 йиллиги арафасида мақсади қатъий интиляётган тенгдошларимиз ҳаётида муҳим воқелик юз берди. Президентимизнинг «Юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни мукофотлаш тўғрисида»-ги фармонида биноан турли соҳаларда салмоқли ютуқларга эришган йигирма саккиз нафар тенгдошимиз давлат мукофотлари билан тақдирланди. Улар орасида фермерлик билан шуғулланиб, давлат шартномавий режаларини ортиги билан бажарган ёш фермерлар, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаётган ёш тадбиркорлар, ўзбек тилида бошқариладиган робот ихтирочиси, давлатимиз сарҳадлари дахлсизлигини сақлашда матонат кўрсатётган ҳарбий тенгдошларимиз борлигини кўрасиз. Улар қўлга киритган ютуқлардан ҳайратланасиз ҳам.

Халқимизда «Яхши ният — ярим мол» деган умидбахш нақл бор. Унга бироз тескари «Ҳолва деган билан оғиз чучимайди» деган мақол ҳам борки, бу икки ҳикмат замиридаги маъно ўз ўрнида тўғри. Айтишларича, инсон ният қилганда, нияти унинг аурасида учиб юрармиш ва бир кун келиб, рўёбга чиқармиш. Бироқ олма пиш, оғзимга туш, қабилида ёнбошлаб ётган билан орзу амалга ошмаслиги аниқ. Шу маънода, мақсадига етиш учун кишидан самарали, асосли ҳаракат, фойдали илм ёки иш билан машғул бўлиш, энг аввало, мақсадининг марказида эл-юртга манфаат келтириш, Ватаннинг қорига яраш, тараққиётга муносиб ҳисса қўшиш истаги туриши керак. Шунда кўзланган манзилга етиш осонлашади, киши қийналган пайтида халқ кўмакка келади, асосийси, ўзидан кейинги авлодга яхши намуна бўлади.

**Хайриддин МУРОД,  
«Turkiston» мухбири**

Давлатимиз мустақилликка

# Ҳарбий хизмат: КЕЧА ВА БУГУН

**(Давоми, аввали  
1-саҳифада)**

Собиқ тузум даврида юртимиздан армия хизматига чақирилувчиларни асосан битта «манзил» — қурилиш ва таъмирлаш батальонлари кутар эди. Жанговар тайёргарлик, ақлий салоҳият талаб этиладиган бошқа ҳарбий қисмларга деярли йўл ёпиқ эди. Бунинг сабаби сифатида «Улуғ Ленин» тилини яхши билмаслик важ қилиб кўрсатилса-да, аслида бу сиёсат замирида мавжуд ҳокимиятнинг ишончсизлик ва минтақани ўз измида ушлаб туриш учун юқори малакали ҳарбий кадрлар тайёрлашга йўл қўймаслик мақсади ётар эди.

Айниқса, қишлоқлардан борган йигитлар тил муаммоси туфайли кўп қийинчилик ва ҳақоратларга дуч келар, масхара бўларди. «Биласанми» саволига «Биласанми» жавоби ҳақидаги латифанамо ҳангомалар ўша замонлар маҳсули.

Ҳарбий қисмларда чуқур илдиз отиб кетган турли салбий ҳолатлар ҳақида ҳамма биларди-ю, лекин ҳеч ким юрак ютиб бир нарсга деёлмасди. Хусусан, ҳарбий хизматчиларни таҳқирлаш, айбдорларнинг жазога тортилмасдан, аскарларнинг ҳимоясиз, чорасиз қолишига табиий ҳолдек қараларди.

Бошқача айтганда, жануб кўёшида тобланган чайир йигитлар ҳарбий хизмат ниқоби остида энг оғир ишларга, ҳатто заҳарланиш даражаси ўта юқори бўлган ҳудудларга жалб қилинган. Умрининг гул фаслини ҳаётда ҳеч қачон зарурат бўлмайдиган ишларга сарфлаган.

Шу тарих минглаб, миллионлаб ёшларнинг энг завқли, кучга тўлган, орзу-умидларга бой икки йил умри зое кетарди.

— Бекор ўтган икки йил умримга ачинаман, — деганди мени ҳарбийга кузата туриб кўшимиз Мардонқул ака. — Бирор фойдали ишни ўрганиш ўрнига икки йил ўрмонда тўнғиз боққанман.

Собиқ тузум давридаги ҳарбий хизматнинг энг аянчли жиҳатларидан бири у ҳали дунёқараши тўлиқ шаклланиб улгурмаган навниҳол ёшларни ўта лоқайд ва бепарво, кўпол ва дағал қилиб кўярди. Тамаки чекиш, спиртли ичимлик ичиш, омонатга хиёнат, ёлғон... Бундай иллатлар ҳатто рағбатлантириларди. Масалан, йўриқчи сержантнинг ҳар соатда «чекувчиларга «перекур», бошқалар давом этсин», деган ғайритабиий буйруғи ўша «сабоқ»нинг боши эди. Мен ҳам чекишни хизматда ўрганганман. Аминманки, ёши катта кашандаларнинг қарийб ҳаммасига хос ачиқ қисмат бу...

Статистик маълумотларга қараганда, ўтган асрнинг 80-йилларида Ўзбекистондан ҳар йили қуролли кучлар сафига

320 мингдан зиёд йигит чақирилган, бу бошқа республикаларга нисбатан, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, анча кўп эди.

## НАЖОТ УЧҚУНЛАРИ

1989 йилда Ўзбекистон раҳбарлигига Ислон Каримов келиши билан республикадаги вазият тубдан ўзгара бошлади. Армиядаги аҳвол илк бор кескин танқид остига олинди ва биринчи марта Ислон Каримов томонидан муаммоларни ҳал этиш ҳаракати бошланди. Хусусан, республика раҳбариятининг жонкуярлиги туфайли юртдошларимизнинг бошқа ўлкалардаги қурилиш батальонларига чақирилиши қисқарди. Чунончи, 1986 йили Ўзбекистондан армия сафига чақирилган йигитларнинг 21 фоизи қурилиш батальонига жалб қилинган бўлса, 1991 йилда бу кўрсаткич 10,8 фоизга туширилди. Бу Ўзбекистон раҳбарининг мавжуд сиёсатга чек қўйиш йўлидаги дастлабки дадил, амалий саъй-ҳаракатлари самараси эди.

Ислон Каримов 1990 йил 5 июнда сўзлаган нутқида бундай деди: «Биз армия хизматига салбий муносабатни келтириб чиқарган сабабларни бартараф этиш учун омилкорлик билан ҳаракат қилишимиз шарт. Бу ўринда гап айрим ҳарбий қисмларда интизомнинг бўшашиб кетгани, Уставга хилоф муносабатларнинг мавжудлиги, йигитларнинг майиб бўлиб қайтиши ва ҳалок бўлишига йўл қўймаслик ҳақида бормоқда. Биз рўйи-рост айтишимиз керакки, бунга асло йўл қўя олмаймиз. Ўз фарзандларимизни уларга нисбатан ноҳуш ҳатти-ҳаракатлардан ва белгиланган қонунларнинг бузилишидан муҳофаза қилиш учун барча ишларни қиламиз».

Албатта, Ислон Каримовнинг бу қадар жон куйдиришига асослар етарли эди. Чунончи, биргина 1989 йилнинг ўзида, тинчлик даврида 430 нафар ўзбекистонлик аскар нобуд бўлган. Ўша пайтда оналаримизнинг оқ ювиб, оқ тараб улғайтирган фарзандини «Ватан ҳимояси»га минг ваҳму хавотир билан кузатганининг боиси шунда.

Юртбошимизнинг юқоридаги сўзлари кўп ўтмай амалда ўз ифодасини топди. Яъни, 1990 йил 4 сентябрда Президентимиз республика ёшларининг ҳарбий хизматни ўташ тартибларини такомиллаштириш тўғрисидаги фармонга имзо чекди. Фармонга кўра, ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириладиган ўзбекистонлик ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини, уларнинг оилалари манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, республика ёшларини ҳарбий хизматга чақиришни ва хизматни ўташини такомиллаштириш мақ-

садида 1990 йил кузги чақирикдан бошлаб ўзбекистонлик йигитларни республикадан ташқарида жойлашган ҳарбий қурилиш қисмларига чақиришга барҳам берилди, фақат республика ҳукумати билан шартнома асосидагина жалб этиш мумкинлиги белгилаб қўйилди. Тинчлик даврида ҳарбий хизмат бурчини бажариш чоғида акаси ёки укаси ҳалок бўлган йигитларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш тақиқланди.

Ўз даврида катта воқеа бўлган ушбу ҳужжатнинг яна бир муҳим жиҳатига эътиборингизни қаратмоқчимиз. Яъни, офицерлар таркибини тайёрлаш мақсадида маҳаллий аҳоли вакиллари танлаш ва уларни ҳарбий ўқув юртларига юбориш, ҳарбий комиссарликларда ўзбек тилини ва ўша жойда яшовчи кўпчилик аҳолининг тилини биладиган ходимларни кўпайтириш вазифалари белгиландики, бу чинакам жасорат эди.

Мухтасар айтганда, мазкур ҳужжат оналаримизнинг дардида дармон бўлиш баробарида йигитларимизнинг чорасизликдан топталган руҳини кўтарди.

## ЎЗИМИЗНИНГ АЛИШЕР

Мен хизмат қилган ҳарбий қисмда бир ўзбек офицери бўлар, негандир ўзини биздан олиб қочарди. Ўзимизча ундан хафа ҳам бўлганмиз. Унинг бундай йўл тутшининг сабабини бироз вақт ўтиб англагандек бўлдим. Юртдошларига нисбатан бўладиган ноҳақликларни, таҳқир тўхматларни кўрмаслик, эшитмаслик учун чорасизликдан, ожизликдан шундай қилар экан.

Собиқ тузум даврида олий ҳарбий билим юртларида миллий офицер кадрлар тайёрлаш аскарликдан ҳам аянчли аҳволда бўлиб, битирувчилар орасида маҳаллий халқ вакиллари жуда озчиликни ташкил қилар эди. Буни ўша давр статистикасида яққол кузатиш мумкин.

Республика ҳудудида жойлашган ҳарбий қўшилма ва қисмлар Ўзбекистон тасарруфига ўтган даврда маҳаллий ҳарбийлар 30 фоиздан ошмас эди. Ҳозир Қуролли Кучларимиз таркиби 100 фоиз маҳаллий кадрлардан иборат.

— Мен дунёдаги энг бахтли оталарданман, — деди Ўзбекистон Қуролли Кучлари Академиясида 2013 йил ёзида ўтган ўша тантанада сурхондарёлик 83 ёшли Ҳайитбой ота. — Бутун аждоди тўртта қўйнинг орқасига қараб ўтган мендай оддий чўпоннинг бир ўғли, икки набираси мустақиллик туфайли ҳарбий бўлди. Ўғлим — ҳарбий учувчи, майор. Осмонда вертолёт кўринса, ана, менинг ўғлим, дейман чолларнинг олдида гердайиб. Қишлоқ-чи, — ана, бизнинг Алишер — ўзимизнинг Алишер, Ҳайитбойнинг

ўғли, дейди оғзини тўлдириб. Шундай кезларда ичимга сизмай, ёшариб кетаман. Етказганига шукрона айтиб, шундай саодатли кунларга сабабчи бўлаётган улуг Юртбошимизни дуолар қиламан.

Набирам Умиджон, ху ана, биринчи сафда турган новча майор. 2009 йили Президентимизнинг фармонида кўра «Жасорат» медаллари билан тақдирланган. Иккинчи набирам Абдиҳолиқ — сержант, Чирчиқни битирган, Фарғонада хизмат қиляпти.

Мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайдиган синфдошим Бибисора айтади:

— Ҳар йили битирувчи синфларга «Ким бўлсам экан?» мавзусида иншо ёзди-раман. Қишлоғимиз ёшлари орзу қиладиган касблар орасида Ватан ҳимоячиси бўлишдек шарафли касбга қизиқиш йил сайин ортиб бормоқда. 2013 йил битирувчилари орасида 6 нафари ҳарбий соҳага қизиқишини баён этган. Ҳатто бир қиз ҳам бор.

Ҳозирги ёшлар буни тасаввур этиши қийин. Биз ёзган иншоларда бу касб умуман учрамас, ҳарбийлик биз учун гўё бегона эди. Сабаби, коммунистик мафкура туфайли аждодларимиздан мерос Ватан ҳимоясидек ажойиб фазилат деярли унут бўлиб кетганди. Одамлар, умуман, миллатнинг қиёфаси ўзгариб, миллий руҳ, миллий ғурур, миллий ифтихор, миллий орзу-ниятлар ҳам гўё бизни тарк этган эди.

Миллий истиклол туфайли ана шу улугвор туйғуларнинг бари ўзимизга қайтди. Бугун ота-оналар ўз фарзандининг ҳарбий соҳани танлашини, Ватан ҳимоячиси деган юксак шарафга ноил бўлишини истамоқда. Амир Темур бобомизнинг мангу руҳи, тенгсиз ҳарбий салоҳияти, ақл-заковати ёр бўлган ёшларимиз Ватан ҳимоясини энг шарафли касб, деб билмоқда. Президентимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самарасида халқимиз онгу тафаккурида рўй бераётган энг улкан ўзгариш асли шу эмасми?

## МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ — ГУРУРИМИЗ, ТАЯНЧИМИЗ

Ўз мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган халқимиз осойишталигини, жонажон Ватанимиз сарҳадларини кўриқлаш мақсадида 1992 йили Ўзбекистон Қуролли Кучларига асос солинди. Ўтган йиллар давомида Президентимиз, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондони Ислон Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилишга қодир, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган профессионал армия шакллантирилди.

Ўзбекистоннинг Мудофаа Доктринаси ишлаб чиқилди ва миллий армия фақат мудофаа мақсадларига хизмат қилиши қатъий белгилаб қўйилди. Ҳарбий хизматчиларнинг маънавий салоҳиятини юксалтириш, онгида маънавий-ахлоқий кадрларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларни руҳий покликка ва қалбан улғайишга чорлайдиган, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч бўлмиш юксак маънавиятнинг шакллантириш тарбиявий ишларининг устувор вазифаси этиб белгиланди. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ана шундай алоҳида эътибор ва ғамхўрлик самарасида бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафида нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам баркамол, юксак интеллектуал салоҳиятга эга ёшлар хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда ҳарбий соҳада амалга оширилган улкан янгиланган яна бири ҳарбийларга нисбатан олиб борилаётган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатидир. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, оилавий шароитларини яхшилаш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, таъминотини ошириш, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган шахсларни рағбатлантиришга қаратилган аниқ мақсадли, комплекс дастурларнинг амалга оширилиши ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг моддий, ижтимоий-маиший шароитини сезиларли равишда яхшилаш имконини берди.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларини олган фуқаролар мамлакатимиз олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларига тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 27 фоизи миқдорида кўшимча баллга эга бўлмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида кўплаб йигитлар ана шу имтиёздан фойдаланиб, талабалар сафига кўшилди. Қашқадарёлик Одилжон Бердиев шулардан бири.

— Ана шу имтиёз туфайли Ташкент автомобиль-йўллар институти талабаси бўлдим. Ҳозирги кунда ушбу илм даргоҳининг магистратура босқичида таҳсилни давом эттиряпман. Ўқиш давомида фанларни яхши ўзлаштиришимда ҳам, ҳаётда ҳам армияда олган сабоқ ва кўникма асқотмоқда, — дейди Одил. — Ниятим, мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишига ўз хиссамни қўшиш, давлатимиз раҳбари биз, ёшларга билдираётган катта ишонччи оқлашдир.

Бугун мустақил Ўзбекистонда минглаб, миллионлаб Одиладор бор.

**Ж.МЕЛИҚУЛОВ  
(ЎЗА)**

■ Vatan himoyasi — muqaddas burch ■

## ЮРТНИНГ ЖАСУР ЎФЛОНЛАРИ

*Ўз юртининг чинакам ҳимоячиси, посбони бўлишни ҳар бир йигит орзу қилади. Зеро, Ватан туйғуси, ватанпарварлик ҳисси уларни ана шундай мақсад сари ундайди. Бу борада Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда ўқув-спорт, техника клубларида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор.*

Хусусан, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Бекобод шаҳар ўқув-спорт, техника клубида олиб борилаётган ишлар эътиборимизни тортди. Ўтган йили «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида бир қатор амалий ишлар бажарилди. Чунончи, «Ногиронлар жамияти» аъзоларидан йигирма нафар болага турли хил ўйинчоқлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилган бўлса, икки нафар кам таъминланган оила фарзанди ҳайдовчилик курсида имтиёзли ўқитилди.

Бекобод шаҳридаги мактаблар ва коллежлар билан ҳамкорликда тад-

бирлар ўтказиб келинмоқда. Масалан, 13-мактаб ва техника-иқтисодиёт касб-хунар коллежида ўтказилган қатор тadbирлар кўпчилиқда қизиқтириш уйғотди. Мактаб ўқувчилари ўртасида ташкил этилган «Замонамиз қахрамонлари», «Байроғимиз — фахримиз», «Ёш китобхон» мавзуидаги ранг-баранг тadbирлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. «Бош Қомусимиз — истиқлолимиз рамзи» шиори остида ўтказилган «Сиз қонунни биласизми?» мавзуидаги тadbир мактаб ўқувчилари учун ҳам, спорт-техника клуби аъзолари учун ҳам фойдали бўлди. Айни кунда ташкилотда ўқувчиларни жисмоний

чиниқтириш, соғломлаштириш мақсадида иккита спорт секцияси ишлаб турибди.

— Мамлакатимизда 2013 йил 15 декабрдан 2014 йил 15 январга қадар «Ватанпарварлик» ойлиги ўтказилди, — дейди Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Бекобод шаҳар ўқув-спорт, техника клуби раҳбари Зафар Деҳқонов. — Ойлик доирасида, қолаверса, 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан тadbирлар ўтказилди. Хусусан, Бекобод шаҳар техника-иқтисодиёт касб-хунар коллежида бўлиб ўтган «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаси ҳақиқий ҳарбийлар беллашувига айланди. Ёшларнинг оммавий спорт турларига қизиқшини янада ошириш мақсадида «Kombat Trening» ҳарбийга тенглаштирилган махсус спорт клуби пневматик милтиқдан ўқотиш бўйича мусобақа ўтказилди. 13-мактабда

бўлиб ўтган «Ўзбек йигити — мустақиллик посбони» мавзуидаги тadbир ҳам қизиқарли ўтди.

Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ташкилотнинг «В» ва «ВС» тоифали ҳайдовчиликка ўқиётган гуруҳ ўқувчилари ўртасида «Армиямиз — бизнинг фахримиз» мавзуида ўтказилган давра суҳбати эса ўқувчиларнинг бу борадаги фаллигини яна бир бор намоён этди.

Айни шу кунларда Тошкент вилоятининг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам Ватан ҳимоячилари куни олдидан қатор учрашув ва давра суҳбатлари қизгин давом этмоқда. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган тadbирда хизмат бурчини ўтаётган аскарлар ўз оналари билан учрашишди. Ушбу учрашув оналар учун ҳам, аскарлар учун ҳам қутилмаган совға бўлди.

**Ашурали БОЙМУРОД,**  
«Turkiston» мухбири



■ Yurt sha'ni ■

## ОЛИМПНИ КЎЗЛАЁТГАН ЖАМОА

*2014 йилги футбол мавсуми биз учун Уммонда ўтказилган футбол бўйича Осиё чемпионати билан бошланади. Илк маротаба 22 ёшгача бўлган футболчилардан иборат терма жамоалар иштирокида ташкил этилаётган мазкур мусобақада Шўрат Мақсудов бош мураббийлигидаги терма жамоамиз юртимиз шарафини ҳимоя қилади.*

Қитъа чемпионати 11 — 26 январь кунлари Уммон пойтахти Маскат шаҳридаги стадионларда бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистондан ташқари, майдон эгалари Уммон, шунингдек, Жанубий Корея, Иордания, Мянма, Шимолий Корея, Бирлашган Араб Амирликлари, Сурия, Яман, Австралия, Япония, Эрон, Кувайт, Саудия Арабистони, Хитой ва Ироқ терма жамоалари ҳам қатнашади. Юртдошларимиз чемпионатнинг «D» гуруҳида баҳсларга киришадди. Улар 12 январь куни хитойлик, 14 январь куни ироқлик ва 16 январда саудиялик тенгдош-

ларига қарши майдонга тушади.


Шу ўринда мусобақанинг аҳамияти ҳақида икки оғиз. Мазкур мусобақада терма жамоамиз шаънини асосан 1993 йил ва ундан кейин туғилган футболчилар ҳимоя қилишади. Мақсад — келгусида улардан Ўзбекистон олимпия терма жамоасига муносиб номзодларни танлаб олиш. Чунки олдимизда 2016 йил ўтказилган навбатдаги Ёзги олимпиада ўйинлари бор. Унда эса 23 ёшгача бўлган футболчилар қатнашади. Уммонда ташкиллаштирилаётган мусобақа ана шу мақсад йўлида муҳим тайёргарлик босқичи бўлиб хизмат

қилиши шубҳасиз. Унда, биринчидан, мураббийлар бўлажак олимпия терма жамоамизнинг имкониятларини чамалаб олсалар, иккинчи томондан, бўлажак рақибларнинг кучига ҳам бир қадар баҳо бериш имконига эга бўлади.

Эслатиб ўтамиз, 22 ёшгача бўлган футболчилардан иборат Ўзбекистон терма жамоаси таркибида бундан аввал бир нечта қитъа чемпионати ва жаҳон чемпионатида иштирок этган, нуфузли мусобақаларда тобланган Аббосбек Махталиев, Игор Сергеев, Жамшид Искандаров, шунингдек, Сардор Рашидов, Диёржон Туропов каби истеъдодли футболчилар бор.

Айни кунларда жамоамиз Бирлашган Араб Амирликларида қитъа чемпионатида қизгин ҳозирлик кўрапти.

**Элмурод НИШОНОВ,**  
«Turkiston» мухбири



## Сабаблари ошкор этилмаяпти

Ҳиндистоннинг Канакона шаҳрида қурилаётган бино қулаб тушди ва ҳозирга қадар қурбонлар сони 14 нафарга етди.

Қутқарув хизмати вакилларининг маълум қилишича, вайроналар остида ўндан ортиқ киши қолиб кетган ва уларни қутқариш қийин кечмоқда. Ҳозирча тирик қолганлар топилмаган. Фожа юз берган пайтда бинода қирқ нафар ишчи бўлган. Шу пайтгача воқеа сабаблари ошкор этилмаяпти. Тахминларга кўра, қурилишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмаган. Қулаган беш қаватли бино вайроналарида полиция, ёнғин хавфсизлиги ва қутқарув хизмати ходимлари туну кун ишлаяпти.

## Янги йилдан янги аъзо

Латвия Республикаси 2014 йилнинг илк кунидан Евроҳудуднинг 18-аъзосига айланди. Парламент ва ҳукумат шу қарорни қабул қилди.

Ўтган йилнинг сўнги кунларидаги овоз бериш жараёнларида саккиз фоиз аҳоли тўлиқ қўллаб-қувватлаган. 16,5 фоиз одам қисман қўшилган бўлса, эллик фоизи евро валютасини қабул қилишга қарши чиққан. Янги йилнинг биринчи кунларида Латвия банклари мамлакатнинг миллий валютаси — латларни еврога алмаштириб берди. Январ ойининг биринчи икки ҳафтасига қадар евро ва лат муомалада бўлади. Сўнгра лат муомаладан чиқарилади. Мамлакатнинг молия вазири еврога ўтиш жараёнида нархлар ўзгармаслигига ваъда берди.

## Телевизор телефон билан бошқарилади

«SAMSUNG» компанияси уяли телефон қурилмалари ва маиший техника жиҳозларини бирлаштирувчи «Smart Home» платформасидаги дастурни тақдим этди.

«Smart Home» платформаси «Android» смартфонлари учун мўлжалланган махсус дастур бўлиб, эндиликда компания телефон орқали телевизор, компьютер, кондиционер, музлаткич ва кузатув камераларини бошқариш имконини беради. Шунингдек, платформанинг яна бир қулайлиги шундаки, телефон экранидан кузатув камераси ёки телевизорни кўриш ҳам мумкин. Дастур жиҳозлардаги муаммолар, масалан, батарейкалар қуввати ҳақида ҳам хабар бериб боради. Қурилма йилнинг иккинчи чорагидан сотувга чиқарилади.

## Ишига халақит бермайди

Германия канцлери Ангела Меркел чанги учуш вақтида йиқилиб, қаттиқ жароҳатланди. Натижада канцлернинг уч ҳафта ичида белгиланган барча учрашувлари бекор қилинди.

Шифокорлар унга кўп ҳаракатланмасликни тавсия этишди. Шундан сўнг у уйдан туриб барча ишларни бошқаришини маълум қилди.

Эслатиб ўтамиз, Германия етакчиси ўтган йилнинг сўнгида Швейцарияда жароҳатланган ва орадан бир ҳафта ўтиб шифокорга мурожаат қилган. Фалокат туфайли Польшага ташриф ва Люксембург бош вазири билан учрашув бекор қилинди.

**Интернет манбалари асосида**  
**Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши юртимизда баркамол авлодни вояга етказишдек олижаноб мақсаднинг узвий давоми бўлди. Шу муносабат билан газетамизда янги —

## «Soq'lom bola — yurt kelajagi»

рукни ташкил этилди. Фотографияга қизиқувчи барча тенгқурларимизни фаолликка чорлаймиз. Ушбу рукнга мос суратлавҳалар кутиб қоламиз сиздан, азиз ёшлар!



Иброҳим ва Муҳаммад Абдуллаев пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 3-мактабда ўқийди. Ака-ука бир неча йиллардан буён тумандаги 11-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида маҳоратли мураббий Акмалжон Жабборов қўл остида «Турон» яқкаураши билан шуғулланади.

— Акам тўққизинчи синфда ўқийди. Биринчи синфлигидан буён спорт билан шуғулланади. Мен ҳам акамнинг ютуқларига ҳавас қилиб, шу спорт тўғрагига қатнашман. Мақсадим — келажакда жаҳон чемпиони бўлиб, юртимиз байроғини баланд кўтариш, — дейди Муҳаммад.

**СУРАТДА:** Ака-ука Иброҳим ва Муҳаммад Абдуллаев.

Спектакль кўйилган маскан	Степаненко (комик актёр)	Ёпик	Телефон русуми						
Балиқ номи			Заҳар	Ука (синоним)				Инерт газ тури	
	Ўзбек автоси	Галактика	Андрей ... (рус хонандаси)						
Ҳинд қўшиқчиси			Еймачи савдогар	Баъзан, онда-сонда	Бирлашган Араб Амирлиги (аббр.)				
	Истило, ишғол	Етачки, йулбошчи							
Кечирим сўраш	Еввойи бука		Қийматсиз рақам	Диол (актриса)	...янги				
		Апеннин ярим ороли						Мохир, уста	
Мато ўлов бирлиги	Рус эстрада юлдузи	Бемор, касал		Она (шевада)					
			От-... (қадимий улов)					«Но-...» (дори)	

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

■ Bu shunday yuz bergan edi ■

## ЎРТА ОСИЁДАГИ БИРИНЧИ МЕТРО

Тошкент шаҳрида 1977 йилда қурилган. Ушбу маҳобатли ерости транспорти ўша йил 6 ноябрдан йўловчиларга



хизмат кўрсатишни бошлаган эди. Ҳозир Тошкент метрополитени учта тармоқ ва йигирма тўққизта бекатдан иборат. Бекатлар оралигидаги умумий масофа 38,25 километр.

Пойтахтимизда метронинг бунёд этилиши нақ икки асрга алоқадор улкан тарихий воқелиқдир. Унинг дастлабки — «Чилонзор» ва «Ўзбекистон» тармоқлари ўтган асрнинг 70—90-йилларида қуриб битказилган бўлса, кенжа — «Юнусобод» тармоғи янги мингйиллик аввалида фойдаланишга топширилган. Дарвоқе, мазкур янги тармоқ метронинг бошқа тармоқларини ўзаро боғлаб туради.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, уни қуриш жараёнида шаҳримиз иқлим шароити ҳисобга олинган. Ёз иссиғида метро тоннелларидаги ҳаво махсус вентиляция тизимлари орқали намлантириб турилади. Шунингдек, вагонларга юқори тезликда ҳаракатланувчи ҳаво тозаловчи филтёрлар ўрнатилган.

Тошкент метрополитенини шаҳримиздаги бетакдор меъморий объектлар сирасига киритиш мумкин. Умуман олганда, метро — бу мураккаб муҳандислик иншоотлари мажмуасидир. Ҳар бир бекат — алоҳида иншоот. Тошкент метрополитени бекатлари ўз номи, мавзуси ва архитектурасига эга. Улар мрамор, гранит, керамика, стомалит, ёғоч, ойна, турли хил металл ва бошқа материаллар билан миллий услубда безатилган. Шу боис Тошкент метроси нафақат юртдошларимиз, балки республикамизга ташриф буюрувчи хорижий сайёҳларни ҳам ўзига ром этади.

Мамлакатимизда метро дастлаб

ишга туширилганида пойтахт аҳолиси бир миллион киши эди. Ҳозир ерости транспорти икки ярим миллиондан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Бир йилда метро поездлари қарийб етмиш миллион йўловчини ўз манзилига етказди. Суткасига ўртача уч юз минг йўловчи ташилади. Эътиборлиси шундаки, 36 йиллик тарихи давомида Тошкент метрополитени бирор маротаба ҳам ўз фаолиятини тўхтатгани йўқ.

Яна бир қизиқарли маълумот. Ҳамдўстлик давлатларида қурилган метролар ичида Тошкент метрополитени Москва, Санкт-Петербург, Киев, Боку, Тбилиси ва Харьков шаҳарларидан сўнг еттинчиси, Марказий Осиёда эса биринчиси ҳисобланади.

Тошкент метрополитенининг энг узун ва сербекат йўналиши «Чилонзор» тармоғи бўлиб, узунлиги 16,8 километр, бекатлар сони эса ўн иккита. Улар етти йил (1973—1980 йиллар) мобайнида қуриб битказилди.

1984, 1987, 1989 ва 1991 йилларда ишга туширилган «Ўзбекистон» тармоғи жами ўн битта бекатдан иборат. Мазкур тармоқ қарийб 15 километр масофага чўзилган. 2001 йилда фойдаланишга топширилган «Юнусобод» тармоғида олти бекат бор. Тармоқнинг умумий узунлиги 14 километр.

**Манбалар асосида**  
**Наргиза БАҲОДИРОВА**  
тайёрлади

### Ўқувчига мавзуга доир савол:

**Дунёдаги биринчи метрополитен қаерда ва қачон қурилган?**

Жавобингизни **10 январь** кеч соат **17:00** га қадар **233-79-69** ва **233-95-97** рақамларига кўнғироқ қилиб беришингиз мумкин.

**Биринчи бўлиб тўғри жавобни йўллаган мухлис номи газетамизда эълон қилинади.**

### YON DAFTARCHANGIZGA

То ҳаёт экансан, кўнглингни афсус-надоматлардан халос этганинг яхшидир. Бугунги имкониятдан фойдалан, эртага қўлингдан келган ишни қилолмаслигинг мумкин.

**Абу Али ибн Сино**